



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 22 май, шанба № 64 (711)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Самарқанд шаҳрида ўтказилган Республика Аёллар спартакиадаси иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини

Ислом КАРИМОВГА

## МУРОЖААТИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Биз - Республика Аёллар спартакиадаси иштирокчилари Сизга ўзимизнинг кечис миннатдорчилигимизни изор этамиз. Жамиятимиз гуллари дея эъзозланган биз - хур Ўзбекистон хотин-қизлари шахсан Сизнинг оталарча ғамхўр-лигингизни ҳар жабҳада чуқур ҳис қилмоқдамиз. Бизга берилган кўпдан-кўп имтиёзлар қатори Аёллар йили Давлат дастурининг амалга оширилиши худди шу ҳурмат, кечис меҳрибонлик ва эъзоз рамзи деб биламиз.

Гўзал ва ҳамиша нақирон Самарқандда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Республика касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган Аёллар спартакиадаси ҳам Сиз муҳтарам йўлбошимиз томонидан белгилаб берилган «Соғлом авлод учун» дастурини изчил амалга ошириш, турли ёш ва касбдаги аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, шу аснода энг бебаҳо бойлик - уларнинг соғлиқ-саломатликларини мустақамлаш, ишчанлик фазилатларини юксалтириш йўлида катта аҳамият касб этади. Зеро, бу каби хайрли тадбирлар Сиз катта умид боғлаётган ёш авлодни соғлом, баркамол, суюкли Ватанимизнинг асл фарзандлари этиб тарбиялашнинг ишончли ва самарали омилidir. Меҳнатчи аёлларнинг спартакиаданинг гоё хаяжонли, унутилмас кунларидеги кизгин бахслари улар кўп ишга қодир эканликларини яна бир карра намойиш этади.

Биз - спартакиада қатнашчилари Сизга узоқумр, мустақам соғлиқ-саломатлик, фидокор халқимиз бахт-саодати йўлидаги улугвор ишларингизга омад ва муваффақият тилаймиз. Жондан азиз Ватанимиз - хур Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини кўриш ўзингизга ҳам насиб этсин, деймиш!

Республика Аёллар спартакиадаси қатнашчилари.

Самарқанд шаҳри, 1999 йил 20 май.

Б.ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби халқ таълимида ҳам талай ислохотлар амалга оширилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қарорлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Бу ҳужжатларда ушбу соҳада яқин келажақда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб берилган. Халқ таълими вазирлиги тизимида бу вазифалар қандай бажарилаяпти? Ушбу мухбири Республика халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев билан шу ҳақда суҳбатлашди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, давр олди-мизга демократик ва инсонпарварлик гоёларига асосланган, шахсинг қобилияти, имкониятларини ҳисобга олган, давлат ҳамда жамиятнинг таълимига қўйилган талабларини ўзида тўла акс эттира оладиган миллий таълим моделини яратиш вазифасини қўйди. Бу муҳим вазифа 1997 йил 31 август кунини бажарибди. Шу кунини республика Олий Мажлиси IX сессиясида Президентининг Ислом Каримовнинг ташаббуслари ва бевоқиф раҳбарликлари билан яратилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қарорлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди.

Бу ҳужжатлар Юртбошимиз томонидан Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, «Ҳеч бир муволаҳазасиз, стратегик мақсадларимиз - фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси бўлмоғи зарур».

Ўтган даврда бу ҳужжатларни мамлакат таълим муассасаларида жорий этиш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Республикада мактабга таълимга қўйилган давлат талаблари яратилди. Бугунги кунда мактабга таълим узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи сифатида ривожлантирилмоқ-

дир. Таълим тизимларини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарор туфайли мамлакатда умумий ўрта таълим тизими тубдан ўзгарди. Тўрт йиллик бошланғич таълим, 5-9 синфдан иборат ўрта умумий таълим шакллантирилди.

Табиики, бу ўзгаришлар мактабларда ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар ва қўлланмаларни қайта кўриб, ўқув дастурига тўла мувофиқлаштиришни талаб этади. Шу мақсадда олимлар, халқ таълими бошқарув органлари мутахассислари, илгор амалиётчи ўқитувчилар ва методистларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли 23 ўқув фани бўйича такомиллаштирилган ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилди. Уларни мазкур фанларни ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари лойиҳаси билан биргаликда синовдан ўтказиш мақсадида республиканинг турли ҳудудларидаги 23 мактабда тажриба-синов майдонлари ташкил этилди, уларга малакали илмий раҳбарлар, тадқиқотчи ўқитувчилар, консултантлар жалб қилинди. Бундай тажриба-синов майдонлари 16 та мактаб-

гача, 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам ташкил қилинди. Шунингдек, барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида, «Ўқувчиларни касб ҳунарга йўналтириш, психологик-педагогик ташҳис марказлари» ҳам барпо этилди.

1998-1999 ўқув йилида ўқувчилар билимини кўп балли рейтинг тизими асосида баҳолашга ўтиш бўйича амалий қадам қўйилгани маълум. Ўқувчилар билими ва фаолиятини баҳолашнинг бу илгор усули 2-3 йил давомида Тошкент, Ангрен, Олмалик шаҳарлари мактабларида, Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов номи, Сурхондарё вилоятининг Узун тумани таълим муассасаларида синов қўрилди, шу шаҳар ва туманлар базасида Республика амалий семинарлари ўтказилди. 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли тизимини республика вилоятлари марказларидаги мактабларнинг юқори синфларида жорий қилиш тавсия этилди.

Жўра Фаниевич, мамлакатимиз аҳолиси кўп миллатли. Юртимизда давлат тилидан ташқари рус, қозок, тожик, киргиз, туркман тилида дарс олиб бориладиган кўпмактаблар ҳам бор. Бу мактабларни дарсликлар билан таъминлаш қай аҳволда?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг таълим эҳтиёжлари тўла қамолатланган. Бу «Таълим тўғрисида»ги Қонунда

(Давоми 2-бетда)



Муқаддасхон Имомова Наманган вилоятидаги тадбиркор аёллардан бирidir. У «Ахматбек-С» автотранспорт ширкатига раҳбарлик қилади. Ширкатда тартиб-интизомнинг изчил йўлга қўйилганлиги боис аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган транспорт хизматининг сифати кун сайин ортиб бораётир. Муҳими, ширкат то-

монидан кўрсатилаётган намунали хизматдан аҳоли ҳам, ташкилотлар ҳам мамнун.

Суратда: «Ахматбек-С» автотранспорт ширкати раҳбари Муқаддасхон Имомова ишчилар Мушбори Курбонов, Эркинжон Ғозибоевлар билан.

Б.ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Меҳр-шафқат ва саноатчи жамғармасининг мажлиси бўлди. Унда бир қатор вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ҳомий ташкилотлар раҳбарлари, жамғарма вилоят бўлимлари раислари иштирок этади.

### ЖАМҒАРМА МАЖЛИСИ

Мажлисида ташкилотнинг 1997-98 йиллар ва шу йилнинг биринчи чораги мобайнида олиб борган фаолияти тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Жамғарма раиси Ш.Хўжаевнинг шу ҳақдаги хисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида жамғарма ва унинг вилоятлардаги бўлимлари фуқароларни ижтимоий муҳофаза этиш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, қаровчиси йўқ аяқ-қол, ёши улғайган, муҳтож кишилар ва кўп бола-болаларга зарур моддий ёрдам кўрсатилди. Бу борада айниқса жамғарманинг Жиззах, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари бўлимларининг иши таҳсинга сазовордир. Белгиланган тадбирлар жойлардаги ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, қорхона ва муассасалар билан ҳамкорликда олиб борилаётган яқин самара берди. Шу билан бирга, жамғарма фаолиятида талайгина камчиликларга ҳам йўл қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

(УзА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг тергов гуруҳи томонидан 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида бир гуруҳ айбланувчилар томонидан содир этилган террористик актлар тўғрисидаги жиноят иши юзасидан олиб бориладиган тергов ҳаракатлари тамомланди.

Мазкур жиноят иши юзасидан 22 нафар айбланувчилар террористик актларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовузани ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланиди.

Жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборилди.

Юқорида кўрсатилган жиноятларга алоқадор бошқа шахсларга нисбатан тергов ва қидирув ишлари давом этмоқда.



## «АЁЛЛАРГА ЭХТИРОМ»

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот Кўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Аёллар йилга бағишлаб «Аёлларга эҳтиром» тўпламини нашрдан чиқарди.

Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларидан биринчи «Аёли улғулмоқ» оилани, Ватани, ҳаётни улғулмоқ демократия, деб таърифлаган эдилар. Дарҳақиқат, аёли эъзозлаш, унга буюк эҳтиром ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан бирidir. Шу маънода, истиклол шарофати билан Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва макенини мустақамлаш борасида давлат аҳамиятига молик улкан ишлар амалга оширилмоқда. Йўлбошимизнинг ташаббуси билан 1999 йил мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилинган бунинг яққол далилидир.

Ушбу китоб ҳам жамиятимизда аёлларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром рамзларидан бирidir. Тўпламдан Президентининг аёлларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрнини мустақамлаш борасидаги фикрлари, расмий ҳужжатлар билан бир қаторда ўз жасорати ва матонати, ақл-заковати билан тарихда ўнмаса ном қолдирган Тумарис, Бибиноҳид, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий сингари улғу молларимиз ва уларнинг бугунги кундаги издошлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, расмий санъати асарлари, ўзбек муомтоз адабиёти намонадлари, ҳозирги замон шoir ва адибларининг она-сингиларимизнинг таранум этувчи шеър ва очеркларини жой олган.

Китоб Ўзбекистон хотин-қизларининг мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, ҳунармандлик, санъат ва спорт соҳаларида эришган улкан ютуқларини, уларнинг оила ва ижтимоий ҳаётидаги ўрнини акс эттирувчи рангли фотосуратлар билан безатилган.

Китобни «Растр» қўшма қорхонаси ижарадаги Тошкент мактаб комбина-ти билан ҳамкорликда кўп миң нусخада чоп этилди. (УзА)

## Хабарларда жўшқин ҳаёт нафаси

### САРА ХОМАШЕ Топширилди

Усмон Юсупов тумани пиллакорлари Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб пилла топшириш бурюрма режасини бажардилар.

Қабул пунктларига қарий 18 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди.

Тажрибали пиллакорлар ҳар қутти қурт уруғидан 60-70 килограммдан сара хосил олишга эришдилар.

### ХУКУҚИЙ БИЛИМЛАР ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Шаҳрихон туман ҳокимлиги ҳузурда ҳуқуқий билимлар халқ университети ташкил этилди. Дастлабки машғулот Президентининг Ислом Каримовнинг Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўрилган вазифалар, шунингдек, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жомаатчилик фикрини ўрганиш масалаларига бағишланди.

## Долзарб БОЛАЛАР ЁЗДА ЯХШИ ДАМ ОЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1998 йил ёзги мавсумда болаларнинг дам олиши ва уларнинг соғлигини тиклаш ақнулари ҳамда 1999 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрлик ва уни ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган кенгаш бўлди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Қароматов бошқарди.

Кенгаш ишида вақирлик ва идораларнинг раҳбарлари, республика комиссиясининг аъзолари, вилоятлар ҳокимларининг ва Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этади.

Мамлакатимиз раҳбарияти ўсиб келаётган ёш авлодга доимий равишда ғамхўрлик қилиб белгиламоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар бўйича комплекси қабул қилган қарорлар бунинг далилидир. Мазкур қарорлар ичида болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари болалар соғломлаштириш лагерларининг яқини фаолият кўрсатиши

учун шароит яратиш ҳақида тегишли қарор ва ҳужжатлар қабул қилган, тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, жойларга жўнатган.

Қабул қилинган қарорларнинг кўпчилигида ташкилий шаклда дам оладиган болалар сонини янада кўпайтириш йўллари қидириб топилган, болалар соғломлаштириш масканлари учун турмуш-яшаш шароити яратилган.

Ҳозирги пайтда бўлажақ ёш мавсуми учун ташкилий ва таъмирлаш-тайёрлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу йил барча турдаги соғломлаштириш лагерларида 332 миң ўғил-қиз дам олади. 4 миң нафар бола Оролбўйи зонасида республиканинг экологик жиҳатдан тоза минтақаларига олиб чиқиб кетилди.

Шу билан бирга, кен-

гашда ўтган ёш мавсуми таҳлилига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, жойларда аҳвол ўрганилганида жуда кўп камчилик намойн бўлди. Болаларни овқатлантиришни ташкил этишда, «Болалар соғломлаштириш лагерларида жойлаштириш ва режими ташкил этишнинг санитария қоиди ва меъёрлари» йўриқлари-га риоя қилишда, тез бузиладиган маҳсулотларни сақлашда, идиш-товоқни ювишда, ошхона жиҳозларини тозалаш ва бошқа ҳолларда санитария меъёрлари бузилгани аниқланди. Мактабларда ташкил этилган бир қанча болалар лагерларида тарбиявий ва соғломлаштириш ишларини амалга ошириш учун мутлақо шароит яратилмаган.

Бу ҳолларни ҳисобга олиб, ҳамда мазкур нуқсонларнинг такорланмаслиги учун 1999 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муайян тадбирлар кўриб чиқилиб, қабул қилинди.

Д.САИТОВА, УзА мухбири.

## Амнистия

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда инсонпарварлик таъминлари устуворлигининг яна бир намойиши бўлди. Фармонга кўра жиноятга қўл уриб қамалган вояга етмаган ёшлар ва аёлларга бир қанча енгилликлар берилган.

Яқинда мухбиримиз республикамиздаги болалар колонияларидан биринчи бўлиб юқорида қайд этилган Фармон асосида авф этилган кимсалар билан суҳбатда бўлди.

## МУРУВВАТДАН МЕҲР УЙҒОНДИ

«Ёшлик қилиб, жиноят кўчасига кириб шу ерда ўтирибман. Қилмишимдан минг бор афсус чекаман. Мен туфайли ота-онам, яқин қариндошларимнинг юзи ерга қаради. Яқин ҳаёт кечирдишнинг ўйлабман-у, бу фақат меҳнат орқасидан бўлиши ўйлабман. Натижада беш йилга озодликдан маҳрум қилиндим. Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармон ҳаётида тўғри йўлга тушиб олашим учун менга яна бир марта имкон бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг бундай инсонпарварлиги юрагимни меҳр-мухаббатга тўлдирди юборди. Энди бас, ҳаётга бошқача кўз билан қарашга, йўл қўйилган хатоларни тўзатишга, она юртга чин дилдан ҳалол хизмат

қилишга сўз бераман. Чин инсонлик ҳақи-ҳурмати бу йўлдан тойиш йўқ. Умрим охиригача бу хурматга содиқ қоламан», дейди маҳкум С.Пўлатов.

«Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Мен ҳам қилган жиноятимдан пушаймондаман. Уч йилдик, қилмишимга яраша жазомни тортмоқдаман. Жиноят йўлига кириб қолганимдан афсус-надоматдаман. Юртбошимизнинг инсонпарварлиги туфайли муддатидан илгари озодликка чиқибганимдан жуда хурсандман. Оталарча кўрсатилган меҳр-муруватдан қалб тоғдек кўтаришган бир фарзанд сифатида қолган умримни эзгу ишларга бахшида қиламан.

Афсуски, енгил-өлпи ҳаёт кечирши йўлига кириб кетганлигимни кечроқ англаб етдим. Энда ҳеч

ҳоримни элимизга етказ оларимиди?! Адолат бўлса шунчалар бўларди.

Одамлар, юртим мени кечиринг. Минг бор таъзим қилиб ардоқли фарзанд бўлиш - бирдан-бир орзум», дейди Қ.Иноғомов.

Биз болалар колониясидаги яна бир қанча маҳкумлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг аксарияти қилган қилмишдан пушаймонда эканликларини, берилган имкониятдан ҳулоса чиқариб ҳаётда ўз йўлини топиб олишга сўз бердилар. Хайрлашар эканман шахсан мен бунга ишондим.

Мирза ХАМДАМ, «Ишонч» махсус мухбири.

(Боши 1-бетда)

хам уз ақсини топган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган қоида ва ҳулосалар эса мамлакатимизда истиқоқ қилаётган барча халқлар учун умумийдир.

Республикамизда таълим бошқа тилларда олиб борилаётган мактаб ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича дастлабки пайтларда айрим муаммолар келиб чиқди. Энг аввало, бартер орқали Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон давлатлари билан дарсликлар алмаштириш масалаларини ҳал этишга ҳаракат қилдик.

Бирок, Урта Осиё мамлакатларидаги барча ҳамкасбларимиз ҳам бартер талабларини кўнгилдагидек баҳармадилар. Иккинчи муаммо дарсликлар таннархидаги мамлакатлараро тафовут бўлиб, айрим республикаларга катта миқдорда берилган дарсликлар эвазига оз миқдорда дарсликлар олдик. Масалан, 1-синф ёзув дафтари тарихининг биздаги нархи 150 сўм бўлса, худди шу дафтари тарихининг қирғиз тилидаги нусхаси 450 сўмга тўғри келди. Қолаверса, дарсликларнинг гоёвий-мафкуравий йўналишларида ҳам муайян тафовутлар мавжуд эди.

Шу боисдан аввало ваазирлик тарихидан дарсликлар масаласи билан шуғулланувчи алоҳида бўли тузилди. Ваазирлигимиз тақлифи билан Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасига қарашли «Ўзбекистон» нашриётида барча қардош халқлар тиллари бўйича махсус тахририятлар ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаси - ўзбек тилидаги дарсликларни Урта Осиё халқлари тилларига таржима қилиб, таълим шу тилларда олиб бориладиган мактабларни дарсликлар билан таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ваазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари асосида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун давлат таълим стандартлари талаблари асосида оригинал дарсликлар яратиш ва чоп этишга тасвия қилиш юзасидан 5 йиллик режа ишлаб чиқилди. Ана шу режа асосида 1999-2000 йил учун фақат 1-синф ўқувчиларига 72 номда 9903800 нусхадаги дарсликларга буюртма берилган. Шундан 53 номдаги дарсликлар таълим бошқа халқлар тилларида олиб бориладиган мактаб

ўқувчилари учун мўлжалланган. Мазкур дарсликлар ўқувчиларга бепул тарқатилади. Бугунги кунга келиб 45 номда 6698873 нусхадаги дарсликлар нашрдан чиқарилиб, жойларга юборилди.

Таълим фақат тожик, қозок, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориладиган мактаблар учун 1998-1999 ўқув йилида 67 номда 952500 нусхада дарслик-

иборат. **- Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун чиқарилаётган дарсликлар қайси алфавитда чоп этиляпти? Кирилл алфавитида бўлса, бу мактаблар ўқувчиларининг лотин алфавитига асосланган ўзбек ёзувини ўрганиши учун нима ишлар қилинапти?**

бёк алифбосида ўқитилмоқда. Ҳозир 2-3-4-синф ўқувчилари учун давлат тилидаги янги дарсликлар нашр этилиб, мактабларга юборилмоқда. Бу эса Ўзбекистон фуқаролари бўлган тожик, туркман, рус, қозок ва қирғиз миллатига мансуб ўқувчиларнинг янги ўзбек ёзувини талаб даражасида ўзлаштиришлари учун бўлиб хиз-

диган мактаблар мавжуд. Уларда 31,9 мингдан зиёд педагог кадрлар меҳнат қилмоқда. Мазкур мактабларни педагог кадрлар билан таъминлаш қоникарли аҳолида дейиш учун барча асослар бор. Жойлардан олинган маълумотларга кўра, 1999-2000 ўқув йилида ушбу муассасаларни ўқитувчи кадрлар билан бутлаш учун барча ҳисоб-китоблар ишларди чиқилган.

Бошқа тиллардаги мактаблар учун Халқ таълими ваазирлиги тасаруфидига 5 та педагогика институти ва 34 та ўрта махсус педагогика ўқув юрларида педагоглар тайёрланмоқда. Жумладан, қозок тилидаги мактаблар учун Нукус, Жиззах, Навоий, Тошкент вилояти педагогика институти ва педагогика билим юрларида, тожик тилидаги мактаблар учун Тошкент вилояти педагогика институтида, Қосонсой, Самарқанд (3 та), Чуст педагогика билим юрларида, туркман тилларидаги мактаблар учун Беруний (Қорақалпоғистон Республикаси) номи педагогика билим юртида кадрлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, бу соҳада Самарқанд, Нукус, Наманган давлат университетларида ҳам муайян ишлар олиб бориляпти. Бундан ташқари, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ишлаш учун қозок, қирғиз, тожик, туркман тилларини пухта ўзлаштириб олган бошқа

миллатга мансуб педагоглар ҳам жалб қилинган.

Ҳозирги кунда педагогика ўқув юрларида 1999 йил учун талабалар қабули режаси ишлаб чиқилди. Бунда таълим бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларнинг эҳтиёжлари ҳам алоҳида ҳисобга олинган. Бундай мактаблар ўқитувчиларининг маалақасини ошириш вилоятлар педагог ходимлар маалақасини ошириш институтилари зиммасига оқланган. Шунингдек, Жанубий Қозғистон ва Қирғизистоннинг Ўш вилояти маалақасини ошириш институтилари билан шу мамлакатлардаги ўзбек мактаблари ўқувчиларини Ўзбекистонда, биздаги таълим қирғиз ва қозок тилида олиб борилаётган мактаблар ўқитувчиларини эса Жанубий Қозғистонда маалақаси оширишлари амалга ошириш бўйича бир неча йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Маалақатимиз XXI асрга ишонч билан интиломоқда. Таълим муассасалари ходимларининг муқаддас бурчи - шилдаткор давримиз улар олдида қўяётган барча талаб ва вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Б.ЭГАМУҚОВ,**  
(ЎЗА)

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА

лар нашр этилиб, жойларга юборилди. 1999-2000 ўқув йили учун 73 номда дарсликларни чоп этиш режалаштирилган. Ҳозиргача уларнинг 42 номдагиси чоп этилиб китоб омборларига юборилди.

Қўшимча равишда ваазирлигимиз МДХ давлатлари билан 2000 номда бир миллион нусхага яқин дарсликлар олишга шартнома тузган. Мазкур шартномага мувофиқ дарсликларнинг дастлабки нусхалари республикамизга етиб келди. Истиқболдаги режамиз яқин уч-тўрт йил ичида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун дарсликларни тўлалигича республикамизнинг ўзидан чоп этишдан

- Ўзбекистон Конституциясида белгиланганидек, республикамиз худудда яшаётган барча фуқаролар фарзандлари ўз она тилларида таълим олишлари учун ҳамма шартлар яратилган.

Таълим ўзбек, қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 1-5 синф ўқувчилари лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувида ўқитилляпти, туркман тилида таълим олаётган ўқувчилар эса лотин алифбосигаги туркман ёзувида ўқитилляпти.

Бошқа тилларда таълим олаётган ўқувчиларга давлат тилини пухта ўргатиш бўйича ваазирлик ўз дастурига эга. Ушбу дастурга биноан 2-3 синф ўқувчилари янги ўз-

мат қилади.

**- Ўқувчиларга пухта билим бериш учун мактабларни дарсликлар билан таъминлашнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун маалақали ўқитувчилар ҳам зарур. Бу муаммо қандай ҳал этиляпти?**

- Юқори маалақали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам ўта муҳим масала ҳисобланади. Президент Ислам Каримов ўзининг Олий Мажлиси XIV сессиясидаги маърузасида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, эркин фикрловчи қарорни камол топтириш эртага синфларда, аудиторияларда кимлар дарс беришига боғлиқ. Республикада 280 та қозок, 206 та тожик, 41 та туркман ва 31 та қирғиз тилида дарс олиб борила-

## Испод

**Хар кимнинг ташвиши ўзига етади. Кимдир пиёда, кимдир ўловда деганларидек, эрта тонгда йўлга чиққан Ахтам аканинг «шиқ араваси панад берди. Уламан саттор, юрмайман деб туриб олди. У ёғини титди, бу ёғини титди, фойдаси бўлмади. Охири юқхонага ташлаб қўйган эски палосни тўшаб, машина остига кирди. Ха, ана, топди, олди гилдирак ёнидаги мурватлардан бири бўшаб кетди. Уйдан чиқишда қараб қўймаганлиги алам қилиб, сўкина-сўкина гайка бұраб турган эди, кимдир чақиргандек туюлди. Аста бошини чиқариб эди, тепасида шилдек бўлиб турган дурустгина кийинган ўрта ёшлардаги йигитга кўзи тушди.**

Йигит Ахтам аканинг саволомуз қарашидан озорланган каби чўнтагидан чўгдек хужжат олиб кўрсатди. Ахтам ака ичидан «оббо, сўкинганимни эшитиб қолди-ёв, мелиса-пелиса бўлса, тоза бошимни қотирадиган билди-да», деб хавотир ичидан гудранди.

- Кеңирасиз, кўндокда теккан, жаҳлим чиқса... Йигит унинг сўзларини эшитиб ўтирмади.

- Шаҳарда жиноят қидирув бўлими ходимларидан икки кишини ўлдириб кетишган, деди у. - Шу иш бўйича хизматда юрибман. Мени ДАН постига элтиб қўйинг.

«Москвич» бир-икки йўтал тутиб, сўнг текис юриб кетди. Ахтам ака ҳамроҳи унинг машина бошқаршини атайин кузатиб ўтиргандек, йўлдан қўзини узмай борар экан, ичиде севиной ҳам қўйди: «хар қалай шунақа одамлар билан танишиб қўйса, зарар қилмайди. Билиб бўладими, ҳаёт-да, ишпиши тушиб қўлиши ҳам мумкин». Бечора, ширин хаёлларга фарқ бўлиб, ҳамроҳи ўзининг шум ниятларини рўёбга чиқариш учун ўриндиқларнинг турли бурчакларига ашавий далиллар жойлаб улгурганлигини ҳам сезмай қолди. Ахтам ака кутмаган пайтда йигит сўроққа тутди.

- Нега машинангизда қонунга хилоф равишда гўёхандлик воситаси олиб юрибсиз?

Ахтам аканинг қапалаги учиб кетди. - Ие, ҳазиллашманг-е, ука, деди у ҳамон нималар бўлаётганлигини яхши тўшунмай. -Бунақа нарсалар бойвачаларга ярашади. Бизга йўл бўлсин. Қўйинг-е, тўхмат сизга ярашмас экан...

- Унда манавай халтачалар машинангизга қаёқдан келиб қолди? -Йигит шундай дея яна салон ичини тимирскилай бошлади. Мана бу-чи? Буни-си-чи?...

Машина Каттақўрғон шаҳрининг У.Юсупов шоҳқўчаси билан кесийган канал устидан ўтадиган кўприкка етганда, йигит Ахтам акага тўхташни буюрди. Олдиндан тузилган режага кўра, тўрға ту-

шиб типирчилай бошлаган «лақа балиқ» шу ерда жон таслим қилиши керак эди. Шундай ҳам бўлди. Йигитнинг таниши - яна бир «орган ходими» Носир Мўминов машинага миндирилганча, бу ёғи ҳамирдан қил суеургандек билдик қўча бошлади. Носир ҳам ёнидан олган қозғ ўрамларни

гач, Обиджон шартни айтди. - Ҳозироқ 100 доллар олиб келасиз.

Ахтам аканинг ранги ўчди.

- Оддий дехқон бўлсам, сизлар айтган пулни қаердан топаман. Менга ўзимизнинг сўммимиздан гапиринглар.

Икковлон муттахам нимандир ҳисоб-китоб қилиб кетишди. Сўнг, бир қарорга келишди, шекилли, 18 минг сўм бўлади, дейишди. «Савдо» пишиди - энди бу воқеани «ювишгина» қолган эди. Манзил ҳам тайин - шаҳар боғи ичидеги ошхона - Обиджон ва Носир нафсларини қондириб туришади, Ахтам ака эса бу пайтда шундоққина боғ ёнидан бошланадиган бозорга кириб таниш -би-

Уларни ҳақиқий орган ходимлари кутиб туришган эди. «Ишлов берилган» пулларга чўзилган қўлларга кишан тушди...

- Бозорга киргач, бирдан ўзимга алам қила бошлади, - дейди кейинчалик Ахтам ака. - Нега энди ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бу текинурларга пул беришим керак, деб ўйладим. Бозорнинг орқа томонидан чиқиб, тўғри тўман ички ишлар бўлимига бордим...

У ёғи бизга маълум.

Лекин биз нукта қўлмадик. Бутун ҳикоя давомида соядек эргашиб юрган бир мулоҳаза шундай қилишимизга изн бермаётган каби туюлаверди. Рост-да, нима учун энди муқаддам бир-бирини танимаган икки одамнинг бири иккинчисига заррача х а й и қ м а й т а з и й қ у т а з и ш г а ю р а қ ю т д и в а а к с и н ч а, н е г а у н и с и х а м б у ш и г и н а қ а р ш и л и қ д а н с ў н г т а с л и м ч и л и қ

йўлини тутди? Ахир бундай аянчи воқеалар кундан тайинлаб келди: - Яна қочини хаёлингга келтирма. - Сўнг хар эҳти- молга қарши пўписа қилиб қўйди - Агар бировага тул- ласанг, ўлдим даявга. Га- шинанг хибсада-я...

Ахтам ака қайтиб келганда, икки товламачи мазали пиширилган баракни газак қилиб бир шиша ароқни ту- гатиб туришган эди. «Ўл- жа-нинг яна ўз оёғи билан ортиқча ҳаялламай етиб келиши уларнинг кайфияти- ни тағинда кўтариб юборди.

- Олиб келдингми?

Бараварига ташланган саволдан хатто Ахтам ака- нинг кулгиси қистади. Ёни- дан бир даста пул чиқариб, оқват ва ичкилик ҳақини тў- ладди.

- Қолган пулни машина- га қўйган нарсаларингизни олиб ташлаганларингиздан кейин бераман, - деди у қатий.


Ичга кириб, мия қобиқ- ларини очиб-ёпомоққа бош- лаган «шайтон суви» ўз ишини қилди. Сал аввал сувга тушган мўшукдек ювса тортиб турган одам- нинг ўзини дадил тутиши уларни сергаклантирмади ҳам. Машинада бўлса, ма- шинада-да, деб ҳайдовчи- га эргашилди. Ва...

Одам олasi ичиде, деган нақл бор. Шундай экан, ён-атрофга қўзимизни очиброқ назар ташлашга одатлансак, хар қалай камроқ афсус чека-

миз. Уйлаб қарасак, хизмат юзасидан қанчадан-қанча сафарларда бўлибизу, бир-ҳамки халатини истисно қилганда, даярли ҳеч орда ҳеч ким «қани, ҳуж- жатларингизни қўриб қўйилг!» демабди.

Шундай бўлгач фибригларлар бемалол яшай ол- майди, деб ким ҳам айта олади?!

**Зайниддин РИХСИЕВ,**  
**Сирожиддин РУСТАМОВ,**  
**«Ишонч» мушаввири.**



Нью-Йоркдаги Бруклен кўприги

## Шарҳловчи минбари

**Хиндистонда Атал Бихари Важапай ҳукумати- нинг истеъфо бериши мамлакатдаги етакчи сиёсий партиялар ўртасида ҳокимият учун курашни қучайтириб юборди. Айни пайтда бу сиёсий кучлар кузда бўлиб ўтадиган навбатдан ташқари умумий сайловга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.**

Хиндистон миллий конгресси партияси янги ҳукумат тузишга асосий даъвогарлар- дан ҳисобланади. Би- роқ сўнги кунларда ушбу партия ичиде рўй бераётган инқироз унинг имкониятларини анча чеқлаб қўймоқда.

Ҳиндистон миллий конгресси партияси янги ҳукумат тузишга асосий даъвогарлар- дан ҳисобланади. Би- роқ сўнги кунларда ушбу партия ичиде рўй бераётган инқироз унинг имкониятларини анча чеқлаб қўймоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур мажлис партия раҳбар- ларининг С.Гандига та- рафдор ва қарши бўлган гуруҳларга бўлинишига олиб келди. Жумладан, партия етакчиси билан бирдамлик рамизи сифа- тда Дехли шаҳрининг конгрессчилардан иборат маъмурияти ва пойтахт қонун чиқарувчи органидаги мазкур партия вакиллари тўла тариқда истеъфога чиқи- шини эълон қилди. Шунингдек, худди шу сабаб билан Хиндистон миллий конгрессининг Мадхья- прадеш, Ражастон ва Орисса штатлари маҳал- ли маъмуриятлари ҳам ишдан кетишини бил- дирди.

Ш.Павар ва унинг тарafdорларининг та- лабидан сўнг Соня Ганди партия етакчи- лигидан истеъфо бе- ришга мажбур бўлди. Унинг бу қарори партия бошқарув органи - Конгресс ишчи қўми- та-

тия аъзолигидан чиқа- рилсагина ўз иш ўрин- ларига қайтишини маъ- лум қилди.

Шарад Павар ва уни- нг тарafdорлари ҳам ўз фикридан қайтадиганга ўхшамайди. Улар Соня Гандининг келиб чиқиши масаласида бирор я- тдилликка эришиб эҳти- молини рад этмоқда. Унинг сўзларига қара- ганда, бўлажак сайловда Хиндистон миллий

маълум қилди. Бироқ Конгресснинг ишчи қў- митаси унинг истеъфо- сини рад этди. Шунга қарамай, ҳозирча Соня Ганди ўз сўзидан қайт- маяпти.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур мажлис партия раҳбар- ларининг С.Гандига та- рафдор ва қарши бўлган гуруҳларга бўлинишига олиб келди. Жумладан, партия етакчиси билан бирдамлик рамизи сифа- тда Дехли шаҳрининг конгрессчилардан иборат маъмурияти ва пойтахт қонун чиқарувчи органидаги мазкур партия вакиллари тўла тариқда истеъфога чиқи- шини эълон қилди. Шунингдек, худди шу сабаб билан Хиндистон миллий конгрессининг Мадхья- прадеш, Ражастон ва Орисса штатлари маҳал- ли маъмуриятлари ҳам ишдан кетишини бил- дирди.

Улар Соня Ганди истеъфо беришдан воз кеч- са ва Шарад Павар пар-

таҳмин қилган эди. Президент Кочерил Ра- ман Нараянан мамла- катда навбатдан таш- қари умумий сайлов ўт- казиш тўғрисида қарор қабул қилгач, унда Со- ня Гандининг голиб чи- қишига ишонувчилар кўпайди. Бироқ пар- тиядаги айни пайтдаги вазият бу ишончга пу- тур етказмоқда. Буни- нинг устига, конгресс- лар ўзи билан ўзи ово- ра бўлиб турган пайтда уларнинг асосий рақиби Бха- ратия жаната пар- тия сайловда кам- паниясини бошлаб юборди. Улар яқинда Миллий де-

мократик альянс таш- ки этилгани эълон қилди. Бу янги блокка Бхаратия жаната пар- тиянинг 13 иттифоқчиси бирлашган.

Соня Ганди Хиндис- тон миллий конгресси оғир инқирозни бош- дан кечириётган бир пайтда унинг етакчили- гини қабул қилиб олган эди. Ўтган даврда у мамлакат халқи ораси- да партиянинг инқироз- нинг амалдаги парла- ментда энг йирик фракциялардан бирини ташкил этади. Бироқ сўнги кунларда партия ичиде рўй бераётган инқироз бартараф қи- линмаса, унинг бўла- жак сайловдаги муваф- фақияти тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Анвар КАРИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## САҲОВАТИ КУНДА КЕРАК


Бука туманида кейинги вақтда аҳолини ихтимий химоялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борда пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш, эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга давлат томони- дан ажратилаётган мод- дий ёрдамни адолатли та- рзда тайинлаш билан бир- га уларни моддий қўллаб- қувватлашнинг ички имко- ниятларидан ҳам фойда- ланилмоқда. Шу мақсадда аҳолини қўшимча ихти- мой химоялаш дастури ишлаб чиқилган.

- Ушбу дастурни ама- лга ошириш мақсадида махсус ишчи гуруҳи ту- зилган, - дейди туман их- тимий таъминот бўлими мудири Махмуд Хожиев. - Бўлимимиз ходимлари, қорхона ва ҳўжалиқлар вакиллари, маҳалла фаола- ридан иборат ушбу гуруҳ аъзолари жойларда бўлиб давлат таъминотида бўл- са-да, муайян молиявий қийинчиликларни бошдан кечириётган ёлғиз қария- лар, ноғиронлар ва кўп бо- лали оилаларни аниқлади- лар. Қорхона ва ҳўжалиқ- лар уларни имкониятига қараб ўз ҳомилигига ол- ди. Бу борда Азаматов, Саймоқов номли, «Равот», «Ачамайли» ҳўжалиқлари, Халқ банки ва «Тадбиркор- банк»нинг туман бўлими- ни, Пахта тозалаш заводи ва «Матлуботсавдо» ак- циядорлик жамиятининг хўммати аниқса салмоқ- ли бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керак- ки, эҳтиёжманд оилалар- нинг ҳаммаси ҳам моддий ёрдамга унчалик муҳтож эмас. Ишчи гуруҳи аъзо- лари шунга ҳам амин бўл- дики, уларнинг ақсарияти уй-жойини таъмирлаш, газ балони олиш ва шу каби масалалардагина кў- ли калталиқ қилаётган экан. Турган гапки, ҳо- миёлар учун бу каби юмушларни бажариб бе- риш унчалик қийин эмас.

Туманда кексалар тў- рисида алоҳида маҳрибонлик қилинмоқда. Туман ҳомилигининг қаро- рига мувофиқ уларга бир қанча қўшимча им- тизлар белгиланган. Ху- сусан, 100 нафардан кўп- роқ уруш фаҳрийси маи- ший хизмат тўловлари - газ, сув, электр энергияга ҳал тулашдан озод этил- ган. Улар уй-жой фонди- дан ҳам бепул фойдалан- ишмоқда.

Неъмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА муҳбири.



ДУШАНБА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 «Ўзбектеелефильм» намойиш этади: «Гоблиблар», «Оддий кун», 9.10 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 9.40 «Кичкина деманг бизни». Спорт дастури. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Кино янгиликлари. 10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари». 10.40 Кундузги сеанс: «Жадвалдан ташқари поезд». Бадий фильм. 12.05 Ўзбекистон телерадиоматаняси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 12.35 «Олтин тож». Телевизион уйини. 12.55 «Оламга саяхат». 13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Самарқанд»-«Дустлик». 14.10-15.30 «Дуст». Бадий фильм.

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Болаларга бахшида умр». К.Муҳаммадий. 18.40 «Зилло». Мусикий дастур. 19.00 «Мулдор». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Олам кўшиқча тўлсин». Мусикий дастур. 21.35 «Сўз қадри». С. Сиёев. 22.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 49-қисм. 23.10 «Футбол майдонларида». 23.25 «Ахборот». 23.55 «Элос талқини». 00.10 Телевизион новеллалар театри. 00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Кувнок учрашув», Мультшоу). 18.35 «О, ёшгим». 18.55 «Мусикий лаҳза». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «Хайр, мактаб!». 19.40 «Эгиз қўшқилар». 20.00, 20.30, 22.55 Эълонлар. 20.05 «Рей Брэдбери театри», Телесериал. 20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ. 20.50 «Сурур». Мусикий дастур. 21.00 «Давр». Ахборот дастури. 21.30 «Ешлар» телеканалда. 21.35 «Душанбада кўришгунча». 21.50 «Камолот». 22.10 Мусикий лаҳза. 22.15 «Олам футбол». 22.35 «Шарҳ астрада». 22.50 «Ешлар» телеканалда. 23.00 Синема. «Фалокат». 00.30 «Хайрли тун».

17.55 Курсатувлар дастури. 18.00 «Пойтахт». Информацион курсатув. 18.10 «Ерилотшо». Мульттўплам. 18.25 «Сен ҳақида ва сен учун». 18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Халқ саломатлиги йўлида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Спорт-тайм». 21.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 21.45 «Бурч ва масъулият». 22.00 «Телефакт». 22.10 «Чин қалбдан». 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 23.45 Оханглар ва Эълонлар. 23.55 Саргузашт фильмлар экрани. «Ҳақоний иш». 01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!».

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Дурдаршан». 16.00 «Севги йўлида». Сериал. 17.00 «Замонавий дизайн». 17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 1-серия. 18.00 Клип-антракт. Россия жамоат телевидениеси. 18.05 Дубанба куйи Познер билан «Никобдаги киши» дастури. 18.45 «Сегун». Сериал. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время».

20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатув. 21.30 «Спорт клуб». 21.45 «Вақт ҳазинасидан». 22.00 «Вести». 22.30 Киносеанс: Сара Монтё «Менинг сўнгги тангом» фильмида. 00.05 «Ахборот» (рус тилида) 00.30 Тунингиз оуда бўлсин. 30-канал Соат 15.00 га қадар линияда профилатика. 15.05, 18.00, 20.10, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».

15.30 «Олов гилдираги». Телесериал (Бразилия). 16.00 «Калтафаҳлар». Ўсмирлар учун сериал (АҚШ). 16.25 «Карапуз-ТВ». 16.45 «Эсдалик учун дастхат». Мусикий дастур. 17.15 «Эхтирослар асирлигида». Телесериал (Мексика). 18.20 «Ошиқона». Мусикий дастур. 18.30 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал. 19.00 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал (Мексика). 19.45 Спорт шарҳи. 20.35 «Клип-совга». 21.30 «30-канал-да киноқошом». 21.35 «Умрбод». Сериал (Мексика). 24.00 Тунги мусикий-дам олиш канал.

СЕШАНБА, 25

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 «Наво таралсин». Мусикий дастур. 9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 49-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Янги алифбони ўрганамиз. 10.35 Кундузги сеанс: «Ёз ҳикоялари». Бадий фильм. 12.05 «Мактублар-кабутарлар». 12.25 «Маънавият» дастури. 13.10 «Қуңдуз амакиннинг қиссалари». Мультсериял. 13.40 «Хунарман». Тележурнал. 14.10 «Оқибат». 14.30-15.50 «Шаҳарликлар». Бадий фильм.

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Ҳа, Ха, Ха». Ҳазил, ҳажв, хангома. 18.30 «Сўрт хавоси- тан давоси». 18.45 «Юзтамад сеғви ва сифи». Ҳ.Раҳматов. 19.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Шеър ва шуур». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Парламент соати». 21.25 «Муҳаббат соғинчи». Мусикий дастур. 21.55 ЎзТВ экранда биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадий фильм. 17-18 сериаллар. 22.45 Эркин ва юнон рум кураши бўйича Осие чемпионати. 23.15 «Ўзалинг намоеби қил!» Экранда Фаргона вилояти. 23.45 «Ахборот». 00.15 К. Собиров. «Гул ва тош». Телевелла. 00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

18.00 Курсатувлар дастури 18.05 «Янги авлод» студиясида («Катта танафус кўнгируги»). 18.35 «Технопарк-2000». 18.50 «Мусикий лаҳза». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «Ешлик наволари». 19.40 «Мултола». 19.55, 20.25, 23.20. Эълонлар. 20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 20.30 «Марду-майдон». 20.50 «Мусикий лаҳза». 21.00 «Давр». Ахборот дастури. 21.30 «Ешлар» телеканалда. 21.35 «Спорт кундалиги». 1. «Эркин ва юнон-рум курашлари бўйича Осие чемпионати». 2. Волейбол бўйича «Микаса кубоги» халқаро турнири. 21.50 «Синфдош» курсативи намойиш этади. «Сунгги кўнгирук». 22.50 Мусикий лаҳза. 22.55 «Премьердан сўнг». 23.15 «Ешлар» телеканалда. 23.25 Синема «Кариндошлар». 01.05 «Хайрли тун!».

17.55 Курсатувлар дастури. 18.00 «Пойтахт». Информацион курсатув. 18.10 «Ерилотшо». Мульттўплам. 18.30 «Сен ҳақида ва сен учун». 18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Суббатдош». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Спорт оламида». 21.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ. 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 23.45 Оханглар ва Эълонлар. 23.55 «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Бинафша».

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Бинафша». 16.00 «Севги йўлида». Телесериал. 17.00 «Жонли сайёра». 17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари. 17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари. 17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари.

20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатув. 21.30 Европа фильмлари фестивали Тошкентда. 21.50 «ТВ-4 да Немис тўққини». 22.00 «Вести».

22.30 Киносеанс: «Афоня». Кинокомедия. 23.25 «Ахборот» (рус тилида) 00.20 «Тунингиз оуда бўлсин!».

30-канал 9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури. 9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури. 10.00, 13.50, 18.00, 20.10, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар». Телесериал (Венесуэла). 11.20 Тонгги киносеанс. 13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал (Мексика). 14.10 Кундузги киносеанс. 15.30 «Олов гилдираги». Телесериал. 16.00 «Калтафаҳлар». Ўсмирлар учун сериал. 16.25 «Карапуз-ТВ». 16.45 «Олдузалар ёрилганда». Мусикий дастур. 17.15 «Эхтирослар асирлигида». Сериал. 18.20 «Ошиқона». Мусикий дастур. 18.30 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал. 19.00 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал. 19.45 «Висол». Мусикий дастур. 20.35 «Клип-совга». 21.30 «30-канал-да киноқошом». 23.15 «Умрбод». Сериал. 24.00 Тунги мусикий-дам олиш канал.

ЧОРШАНБА, 26

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 «Шарҳ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан. 9.00 «Соникси тиллодан». Адабий курсатув. 9.40 «Ўзкинхроника» намойиш этади: «Асплар гувоҳи». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Талаб ва тақлиф». 10.25 Кундузги сеанс: «Тўй айбод». Бадий фильм. 11.40 «Етти қалмақ». Спорт дастури. 12.05 «Инсон ва қонун» га хатлар. 12.25 «Янграсин шўх яллалар». Мусикий дастур. 12.50 «Жаҳвар». 13.10 «Индаба». Кўп қисмли бадий фильм. 17-18 сериаллар. 14.10-14.30 Янги авлод. «Хайр, мактаб».

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Кичкинтоймиз-гижинг-тоймиз». 18.25 «Фермер». Телетанлов. 18.45 «Зиё». 19.00 «Эл тинчилиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Тазлим- тарбия миллий дастури амалда». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Тараққиёт йўли». 21.25 «Кўшиқча кўнган сатрлар». М.Тоиров. Спорт дастури: 22.00 Волейбол бўйича аёллар ўртасида. «Микаса кубоги». Халқаро турнирдан репортаж. 22.50 Эркин ва юнон рум кураши бўйича Осие чемпионати.

23.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 50-қисм. 23.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 23.45 «Морена Клара». Телесериал. 24.00 «Хайрли тун!».

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Бинафша». 16.00 «Севги йўлида». Телесериал. 17.00 «Жонли сайёра». 17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари. 17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари.

20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатув. 21.30 Европа фильмлари фестивали Тошкентда. 21.50 «ТВ-4 да Немис тўққини». 22.00 «Вести».

киз». 3-серия. 18.05 Клип-антракт. Россия жамоат телевидениеси. 18.10 «Инсон ва қонун». 18.50 «Сегун». Сериал (Якуловчи серия) 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время».

20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатув. 21.30 «Дил изҳори». 22.00 «Вести». 22.30 «Оскар муқофоти совриндорлари-1974 йил». 22.50 Кинематограф: «Қоғоздан ясалган ой». Бадий фильм. 00.35 «Ахборот» (рус тилида) 01.00 «Тунингиз оуда бўлсин!».

30-канал 9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури. 9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури. 10.00, 13.50, 18.00, 20.10, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар». Телесериал (Венесуэла). 11.20 Тонгги киносеанс. 13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал. 14.10 Кундузги киносеанс. 15.30 «Олов гилдираги». Телесериал. 16.00 «Калтафаҳлар». Ўсмирлар учун сериал. 16.25 «Карапуз-ТВ». 17.15 «Эхтирослар асирлигида». Телесериал. 18.20 «Ошиқона». Мусикий дастур. 18.30 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал. 19.00 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал. 19.45 Спорт шарҳи. 20.35 «Клип-совга». 21.30 «30-канал-да киноқошом». 23.15 «Умрбод». Сериал. 24.00 Тунги мусикий-дам олиш канал.

ПАЙШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 Лирик тароналар. 9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 50-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Жаҳоҳирлар ҳазинаси». Адабий курсатув. 10.35 Кундузги сеанс: «Парвоздаги турна». Бадий фильм. 12.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. «Умид» намойиш этади: 12.30 «Шу Ватанга бордур менинг керагим». 12.55 «Кўшиқ байрами».

14.10 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури. 14.25 «Сайдал». 14.45-16.00 Бадий фильм. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Болалар учун «Фарзанд-умид юлдузи». 18.25 «Етти икким садоси». Халқаро шарҳ. 18.40 «Ислохот ва масъулият». 19.00 «Ҳидоят сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Халқ саломатлиги йўлида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Спорт-лотто». 21.30 «22.35. Эълонлар. 20.30 «Ракслар қанотда». Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланади. 20.50 «Каталог». 21.00 «Давр». Ахборот дастури. 21.30 «Ешлар» телеканалда. 21.35 «Заринабуво куйлайди». 21.50 «Учрашув». 22.10 «Мусикий лаҳза». 22.15 «02» тўққинида. 22.30 «Ешлар» телеканалда. 22.40 Синема. «Ҳаёл ва ҳаёт». 20.00 «Хит-коллекция». 00.40 «Хайрли тун!».

17.55 Курсатувлар дастури. 18.00 «Пойтахт». Информацион курсатув. 18.10 «Болалар учун. «Халфана». 18.25 «Глинка-44». 18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Халқ саломатлиги йўлида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Спорт оламида». 21.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ. 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 23.45 Оханглар ва Эълонлар. 23.55 «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Бинафша».

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Бинафша». 16.00 «Севги йўлида». Телесериал. 17.00 «Жонли сайёра». 17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари. 17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари.

20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатув. 21.30 Европа фильмлари фестивали Тошкентда. 21.50 «ТВ-4 да Немис тўққини». 22.00 «Вести».

6.30-8.00 14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Дил изҳори». 16.00 «Севги йўлида». Сериал. 17.00 «Бу ажиб дунё». 17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 4-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари. 18.10 «Алла Пугачева куйлайди». 1-қисм. Россия жамоат телевидениеси. 19.05 «Эслашлари учун...». Руфина Нифонтова. Курсатувни Л. Филалов олиб боради. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время».

20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатув. 21.30 «СНН -шоу». 21.45 «Кино сайёраси». 22.00 «Вести». 22.30 Кинематограф: Мел Гибсон. «Тўлов». Фильмда. 00.25 «Ахборот» (рус тилида) 00.50 «Тунингиз оуда бўлсин!».

30-канал 9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури. 9.30 «Таниш чехралар». Дам олиш дастури. 10.00, 13.50, 18.00, 20.10, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар». Телесериал. 10.30 «Морена Клара». Телесериал. 11.20 Тонгги киносеанс. 13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал. 14.10 Кундузги киносеанс. 15.30 «Олов гилдираги». Телесериал. 16.00 «Экран санамлари». Курсатувни К. Лучко олиб боради. 16.25 «Карапуз-ТВ». 16.45 «Жаҳон ринги юлдузлари 30-да». Спорт дастури. 17.15 «Эхтирослар асирлигида». Сериал. 18.20 «Ошиқона». Мусикий дастур. 18.30 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал. 19.00 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал. 19.45 Спорт шарҳи. 20.35 «Клип-совга». 21.30 «30-канал-да киноқошом». 23.15 «Умрбод». Сериал. 24.00 Тунги мусикий-дам олиш канал.

ЖУМА, 28

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 «Инсон-ҳаёт гултожи». 8.50 «Қўшиқ-маънавият кўзгуси». 9.20 «Ишқнома». Адабий курсатув. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Немис тили. 10.35 «Зиннат». 10.55 «Кундуз амакиннинг қиссалари». Мультсериял. 11.10 «Сомон йўли». 11.40 «Нигоҳ». Публицистик курсатув. 12.05 «Битирув кечаси». И. Оқунбоев номидagi Еш томоша бадий театрининг спектакли. 13.10 «Индаба». Кўп қисмли бадий фильм. 19-20-сериаллар. 14.10-14.30 «Шарҳ тароналари».

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал. 18.35 «Уйғок кунлар». Кинокурсатув. 18.55 «Кўзгу». 19.10 «Ранг жилоси». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Халқ саломатлиги йўлида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Спорт-лотто». 21.30 «22.35. Эълонлар. 20.30 «Ракслар қанотда». Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланади. 20.50 «Каталог». 21.00 «Давр». Ахборот дастури. 21.30 «Ешлар» телеканалда. 21.35 «Заринабуво куйлайди». 21.50 «Учрашув». 22.10 «Мусикий лаҳза». 22.15 «02» тўққинида. 22.30 «Ешлар» телеканалда. 22.40 Синема. «Ҳаёл ва ҳаёт». 20.00 «Хит-коллекция». 00.40 «Хайрли тун!».

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Бинафша». 16.00 «Севги йўлида». Телесериал. 17.00 «Жонли сайёра». 17.15 «Куйини топинг».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари. 17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Оппок ойм киз». 2-серия. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари.

20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатув. 21.30 Европа фильмлари фестивали Тошкентда. 21.50 «ТВ-4 да Немис тўққини». 22.00 «Вести».

21.05 «Жума оқшомда». 21.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 21.45 «Ракслар жилоси». 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 23.45 «Туннироқ». Дам олиш дастури. 00.15 Оханглар ва Эълонлар. 00.25 Кинонигоҳ. «Аёл нафосати». 02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00 14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Европа фильмлари фестивали Тошкентда». 16.00 «Севги йўлида». Сериал. 17.00 «СНН -шоу».

17.45 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. 18.00 «Уорлднет» янгиликлари. 18.10 Клип-ан

